

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» AJJ  
Кузатув кенгашида 2022 йил 15.11. куни тасдиқланган

**«Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва  
таъмирлаш заводи» Акциядорлик жамиятининг  
2023 йил учун**

**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

Идоравий мансублиги

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ

Почта манзили, е-хат манзили  
(ёки электрон почта манзили)

tvsrc@railway.uz

СТИР

203507673

Ижроия органи раҳбари

Д.Ф.Дадаходжаев

Молия бўлими бошлиғи

Ф.С. Бозоров

# МУНДАРИЖА

<b>I. Корхона тўғрисида умумий маълумот</b> .....	3
1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти).....	3
1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари.....	4
1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати.....	6
1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот .....	6
1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ҳодимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя .....	7
1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи.....	9
1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими.....	9
<b>II. Корхонани ислоҳ қилиш</b> .....	10
<b>III. Бозор ва маркетинг режаси</b> .....	10
<b>IV. SWOT-таҳлили</b> .....	12
<b>V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи</b> .....	13
<b>VI. Кўрсаткичлар</b> .....	13
Ишлаб чиқариш ва молиявий режаси .....	13
Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш режаси .....	16
Ишлаб чиқариш режаси .....	17
Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети) .....	19
Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози) .....	20
Корхона томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот .....	21
Ишлаб чиқариш таннархининг таркиби (шаклланиши) .....	22
Пул оқимлари прогнози .....	23
Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар .....	24
Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар тўғрисида маълумот .....	25
Корхона томонидан жалб этилган банк кредитлари .....	26
Давлат бюджетига тўловлар прогнози .....	27
<b>VII. Иш ҳақи тўлаш тизими</b> .....	28
<b>VIII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)</b> .....	29
<b>IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)</b> .....	32
<b>X. Маҳаллийлаштириш</b> .....	34
<b>XI. Инвестиция лойиҳалари</b> .....	35
<b>XII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш</b> .....	40

## I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

### 1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхонанинг тўлиқ номи	«Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» Акциядорлик жамияти
Корхонанинг қисқартирилган номи	«ТЙВҚТЗ» АЖ
Ташкилий - ҳуқуқий шакли	Акциядорлик жамияти
Фаолият тури	Йўловчи вагонларни куриш ва таъмирлаш
Юридик манзили	Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли, 8-уй
Устав капитали	5 649 047 минг.сўм
Чиқарилган акциялари	5 649 047 дона
Стир	203507673
Банк реквизитлари	х/р 20210000004101753001 ЧЗАКБ «ORIENT FINANS» МФО 00435, ОКОНХ 14160
Умумий ер майдони	10,41га
Бино-иншоотлар майдони	2535 кв.м
Ишлаб чиқариш майдони	53743 кв.м
Ишчилар сони	710
Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури	Йўловчи вагонларини таъмирлаш, Янги йўловчи вагонларини куриш
Асосий хомашёси	Металл

## 1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари

«Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ Ўзбекистон Республикаси ҳамда Япония Халқаро иқтисодий ҳамкорлик фонди (ОЕСФ ҳозирги кунда JBIC) томонидан № 1996 йил 16 июн куни имзоланган UZB – P2 сонли Кредит шартномаси доирасида “Йўловчи темир йўл транспортини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича қурилган.

Дастлаб имлиёзли кредит олиш Ўзбекистон Республикасига собиқ совет давлати бўлингандан сўнг йўловчи вагонларни таъмирлаш бўйича маҳаллий базасини ташкил этиш борасидаги Ўзбекистон ва Япония томонлари томонидан иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатиш сифатида назарда тутилган.

Кредит шартномаси шартларига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бажарувчи агент сифатида, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки молиявий агент сифатида белгилаб ўтилган. Шу сабабли Кредит шартномаси бўйича асосий қарз ва кредит фоизлари тўловлари мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси кафолати остида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ зиммасига юклатилган.

Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи 2001 йил 1 июл куни ишга туширилди.

Япония фонди томонидан ажратилган кредит маблағи Германияда ишлаб чиқарилган 25та янги йўловчи вагонларни ҳамда 388 та технологик ускуналарни, улардан 354таси Ғарбий Европа, Япония, Хитой ва Россия давлатларининг етакчи фирмаларидан импорт қилиб олишга сарфланган. Ишлаб чиқаришда импорт ускуналар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш натижасида вагонларни барча таъмирлаш турларини ўрнатилган таъмирлаш қондаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда сифатли амалга ошириш имкониятини беради. «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ нафақат “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ балки бошқа давлатлар йўловчи вагонларини ҳам таъмирлайди, чунки у Ўрта Осиё худудида йўловчи вагонларни куриш ва таъмирлаш бўйича ягона завод ҳисобланади. Масалан Голландиядан келтирилган махсус камераларда вагонларни эски бўёқдан тозалаш, бўяш ва қуриштириш ишлари амалга оширилади. Германиядан келтирилган юқори технологияли ускунадан ёғочни қайта ишлаш бўйича цехда фойдаланиш натижасида вагонларни ички ускуналарини таъмир сифатини яхшилаш ва ички интерьер модернизацияси ва таъмири учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имкониятини яратган. Электроцехда компьютер диагностикаси мавжуд стендлардан фойдаланиш натижасида вагондаги электр жиҳозлар, схемалар ва занжирлар таъмири сифатини яхшилаш имконини берган.

Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва чет эл инвесторларни жалб қилиш жараёнини ривожлантириш мақсадида Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи Давлат мулк қўмитасининг 28.06.02й. кунги № 185 сонли буйруғи ҳамда Тошкент шаҳри Яққасарой тумани хокимининг 16.09.02й. кунги №1189 сонли қарорига мувофиқ «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» Очиқ Акциядорлик Жамиятига айлантирилди. 2009 йил 20 июлдан бошлаб янги йўловчи вагонларни куриш ишлари ташкил этилиши муносабати билан «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» Очиқ Акциядорлик Жамиятига ўзгартирилди. 2015 йил “Акциядорлик жамиятлари” тўғрисидаги қонуни кучга кириши муносабати билан «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» Акциядорлик Жамиятига ўзгартирилди. Завод “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ташкилий структураси таркибига киради.

Завод эксплуатацияси даврида йўловчи вагонларни барча таъмирлаш ишлари ўзлаштирилди: депо таъмири (ДР), биринчи ҳажмдаги капитал таъмирлаш (КР-1), иккинчи ҳажмдаги капитал таъмирлаш (КР-2), модернизация ва хизмат даврини узайтирган ҳолда иккинчи ҳажмдаги капитал таъмирлаш (КР-2М), хизмат даврини 15 йилга узайтирган ҳолда

капитал қайта тиклаш таъмири (КВР). ЭР-9Е ва ЭР-2 электропоездлар вагонларини капитал КР-2 ҳажмда таъмирлаш ҳам ўзлаштирилган.

Дастлабки 2 йил эксплуатация даврида яъни 2001-2002 йилларда заводда вагонларни барча режали таъмир турлари ҳамда биринчи (КР-1) ва иккинчи (КР-2) ҳажмдаги капитал таъмир ишлари ўзлаштирилди. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий дастгоҳлар ва малакали мутахассислар ердамида ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб берувчилар билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалар орқали ТЭО га киритилмаган: электропоездларни КР-2 ҳажмда таъмирлаш, йўловчи вагонларни хизмат даврини 15 йилга узайтириш имконини берувчи капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР) ишлари ўзлаштирилди.

2003 йил Тверь вагон курилиш заводи билан ҳамкорликда қуйидаги турдаги вагон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди: 61-4179 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган купе вагон, 61-4177 модели плацкарт вагон, тезюрар поездининг 61-4441 ва 61-4441Ш моделлари.

2009 йил 68-908 ва 68-909 модели йўловчи вагон тележжаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, натижада янги “61-907 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган йўловчи купе вагон” ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди. Бунда янги йўловчи вагонларни ва тележжаларини серия бўйича ишлаб чиқаришга сертификат олинди.

2010 йил синов ишлари амалга оширилгандан сўнг ва конструктор хужжатлари ишлаб чиқарилгандан сўнг заводга хизмат даврини узайтирган ҳолда капитал қайта тиклаш таъмири учун сертификат берилди, ва йўловчи вагонлар деталлари, яъни олдинги ва орқа упорлар ишлаб чиқишга сертификат берилди.

2011 йил завод янги “61-911 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган йўловчи купе вагон” сериясини ишлаб чиқариш учун сертификат олди ва йўловчи вагон учун “Поглощающий аппарат” ишлаб чиқариш сертификатини олган.

2012 йилда йўловчи вагоннинг 68-921 ва 68-922 модели икки осьли “безлюлечного подвешивания” тележжалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Конструктор хужжатлари расмийлаштирилди ва ушбу тележжалар ишлаб чиқариш учун зарур синовлар ўтказилди.

2014 йилда янги йўловчи вагон курилиш ва капитал тиклаш таъмирлаш ҳажмини камайиши муносабати билан ЭР-9Е ва ЭР-2 электропоездлар вагонларининг хизмат муддати узайтирган ҳолда капитал қайта тиклаш таъмири (КРП) ҳамда метро вагонлар тележжаларнинг рамалар ва надрессор балкалари ишлаб чиқариш учун зарур синовларни ўтказди ва сериясини ишлаб чиқариш учун сертификат олди. Шу билан биргаликда 61-920 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган ўтириш ўриндиқли йўловчи вагон ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

2015 йил метрополитен вагонларини хизмат даврини 15 йилгача узайтирадиган капитал қайта тиклаш таъмирлашни ўзлаштирилди. Бу билан метро вагонларини парки фаолиятини узайтиришга ва иш ўринларини кўпайишига сабабчи бўлди.

2016 йил завод янги 61-926 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган минтақалараро ўриндиқли йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган вагонлар - КЛАСС: VIP, Econom, Business қуриш ўзлаштирилиб ишлаб чиқарила бошлади.

2017 йил 61-907, 61-911 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган йўловчи вагонлари, 68-921 ва 68-922 модели икки осьли “безлюлечного подвешивания” тележжалари ҳамда “Поглощающий аппарат” экспорт қилиш учун ТРТС сертификатлари олинган.

2019 йил 61-928 модели юк вагони, 61-931 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган ногиронлар учун ўриндиқли йўловчи ташиш учун мўлжалланган вагон, 61-934 модели хаво совутиш тизими билан жихозланган махсус русумдаги йўловчи вагонлари учун сертификат олинди ва ишлаб чиқарила бошлади.

2020 йил “Дефектоскоп” вагон, “Тормозларни ўлчайдиган” вагон, “Темирйўлларини ўлчаш учун мўлжалланган” вагон, “Динамометрик” вагон, “Дизел” поезди, “Лаборатория”

вагони, Алоқатармоқларини синовдан ўтказишга мўлжалланган вагонлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди

2021 йилда 81-714 модели оралиқ моторсиз метро вагон ишлаб чиқарилиб хизматга топширилди.

2022 йилда тергов қилинаётган ва судланган шахсларни ташиш учун махсус вагон ишлаб чиқарилиб хизматга топшириш кутилмоқда.

### 1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Лойиҳа қуввати бўйича Япон мутахассисларнинг техник-иқтисодий ҳисобига кўра йилига 450 та вагонларни таъмирдан чиқариш ва 50 та янги йўловчи вагонлари қуриш мўлжалланган.

«Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ асосий фаолияти қуйидагилардан иборат:

- Йўловчи вагонларни қўриш;
- Йўловчи вагонларни капитал ва депо таъмирлаш, хизмат даврини узайтирадиган капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР) ва бошқа таъмирлаш турлари;
- ЭР-9Е ва ЭР-2 электропоездлар вагонларини капитал ва хизмат даврини узайтирадиган капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР);
- Метрополитен вагонларини хизмат даврини узайтирадиган капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР);
- Йўловчи вагонлар тележжаларини ишлаб чиқариш;
- Метро вагон тележжаларини рама ва надрессор балкаларини ишлаб чиқариш;
- Янги йўловчи вагонларни йиғиш ишлари;
- Вагонлар эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш;
- Корхоналарга тижорат хизматларини амалга ошириш;
- Барча транспорт турлари учун ностандарт ускуналарни ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштириш;
- Ва ҳоказо ишлар.

### Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2021 й.	%	2022й.	%
1.	Йўловчи вагонлар таъмири	вагон	450	339	75,3	303	67,3
2.	Йўловчи вагон қурилиши	вагон	50	12	24,0	23	46,0
<b>Жами</b>			<b>500</b>	<b>351</b>	<b>92,4</b>	<b>326</b>	<b>85,8</b>

### 1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

Мустақиллик йилларида темир йўл транспорти соҳасида қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

• «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасига асосан ҳуқуқий жамият Акциядорлик жамияти статусига эга бўлди – «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги УП-4720 сонли Фармони ижроси юзасидан жамият корпоратив бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ ташкилий тузилмаси тасдиқланди

• №1 иловада «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ ташкилий тузилмаси қайд қилинган.

• Самарадорликни ошириш ва ривожлантириш, ички ва ташки капитал бозоридан кенг фойдаланиш, фаолиятни ва хисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ кооператив бошқарув қоидаларидан фойдаланади. Корпоратив қоидалар барча акциядорлар (иштирокчилар)га уларнинг эгаллаган акция улушидан қатъий назар адолатли муносабатни таъминлайди. Кичик филиал ва хўжалик жамиятлар ташкил этилганда, давлат улушига эга бўлган жамиятлар шартнома ҳуқуқлари ва мажбуриятларига риоя қилиш ҳамда низоларни кўриб чиқишни таъминлайди.

### ***1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ҳодимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя***

«Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ фаолияти кузатув кенгаши аъзолари томонидан кузатиб борилади ва ижроия органи аъзолари томонидан бошқарилади. (Илова № 2)

«Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ ходимларни тайёрлаш тизимига эга. Ходимларни бошқариш ва тайёрлаш бўлими вазифаларига қуйидагилар қиради:

• Жамият бўлинмаларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш, таркибий бўлинмаларда ходимлар сонини белгиланган иш ҳажми ва тасдиқланган штат жадвалига кўра белгилаш ҳамда ходимлар сонини уларни қабул қилиш ва бўшатиш ишларини таҳлил қилиш;

• Меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида талаб этилган малака ва мутахассисликларга кўра жамият бўлинмалага мутахассисларни қабул қилиш;

• Юқори малакали ишчи ва мутахассисларни тажрибаларини сақлаб қолиш, улардан фойдаланиш ва жамият бўлинмаларига тарқатиш, мутахассислик кўникмаларини ҳосил қилиш, жамиятни тўхтовсиз фаолиятини таъминлаш, ёшларга ўрнатилган талабларни ўргатиш, жараёнга таъсир этмаган ҳолда алмаштириш мақсадидатор доирадаги мутахассисларни устоз шогирд усулларини қўллаш йўли билан тайёрлаш.

• Меҳнат дисциплинаси ҳолати, кадрлар алмашинуви ва оқимини ўрганиш ва таҳлил қилиш

• Жамиятда кадрларни бошқариш ва кадрлар билан таъминлаш эффектив тизимини тузиш.

• Раҳбар лавозимларга захираларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш.

Завод ходимларининг рўйхатга олинган сони 2022 йил 1 январ ҳолатига 796 нафар бўлса, 2023 йил 1 январга 710 нафарни ташкил этади, шундан ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар 678 нафар, бошқарувдаги ходимлар 32 нафар.

Ходимларни ишга қабул қилиш жараёнида зарур бўладиган малакавий билим ва кўникмалар ҳамда етакчилик қобилиятларини тавсифлаш асосида баҳоланади. Сухбат жараёнида номзоднинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари ва келажакда унинг янада масъулиятли ва жавобгарлиги юқори бўлган лавозимларни эгаллашга бўлган имкониятларига, касбий ва шахсий сифатларига, шунингдек ташкилот фаолияти тўғрисида зарур маълумотга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Сухбат жараёни салоҳиятли ва самарадорлиги юқори бўлган ходимларни даражаси ва малакавий кўникмаларига кўра билиш, танлаш имконини беради. Иш берувчи билан сухбатда келишилган иш таклифи юқори турувчи давлат органининг белгиланган тартибдаги розилиги шунингдек, номзоднинг нафақат билим даражаси ва малакавий кўникмаларини кўра билиш, балки унинг етакчилик қобилиятини аниқлаб, истиқболдаги лавозимларга номзодларни танлашга муҳит яратади.

Ходимларни касбий тайёргарлиги сифати ва касбий компетенциясини баҳолашда ҳамда иш тажрибасига қараб талаб қилинади.

Ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирлари бўйича йиллик режа тузилган ва ушбу режага асосан сарфланган маблағлар 2021 йилда 57 654 минг сўмни, 2022 йилда эса 38 055 минг сўмни ташкил этади.

2022 йилда ишлаб чиқариш саноат корхоналари ўртасида ўтказилган “Касбим-фахрим” танловида “Энг яхши дефектоскопист” йўналиши бўйича 1 нафар дефектоскопчи, “Энг яхши пайвандчи” йўналишида 1 нафар пайвандчи, “Энг яхши чилангар” йўналишида 1 нафар чилангар фахрли 1 ўринни қўлга киритди.

Завод томонидан ишчи ва ходимларни ижтимоий қўллаб қувватлаш, соғлиғини тиклаш учун касаба уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Касаба уюшмаси томонидан ишчи ходимларни соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам берилади, дам олиш масканларига саёҳатлар, спорт мусобақалари ва тадбирлар ўтказилади.

2023 йилда қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун кадрлар сиёсатини қуйидагилар орқали кучайтириш режалаштирилган:

- кадрларни танлаш ва жойлаштириш;
- бажарилаётган иш хажмига мос ходимлар сонини назорат қилиш;
- асосий мутахассисликларни кадрлар билан таъминланиши;
- ёш мутахассисларни қабул қилиш;
- энг қобилиятли истиқболли ёш мутахассисларни аниқлаш ва уларни малакаларини профессионал ўсишига кўмаклашиш ва интеллектуал салоҳиятинидан фойдаланиш;
- ходимларнинг малакасини ошириш, ўқув марказларида ўқитиш, қабул қилинган ходимларга устоз бириктириш ва аттестация ўтказиш.

2023 йилда кадрларни тайерлаш ва қайта тайерлаш режасига мувофиқ заводда 300 нафар ходими малакасини оширилиши кутилмоқда.

2023 йил иш хажмини ҳисобга олган ҳолда, 770 киши, шу жумладан 32 нафар бошқарув аппарати ходимлари сони кутилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш мақсадида қуйидаги бўлинмаларни ўз ичига олган корхона тузилмаси ташкил этилди:

- Бошқарув аппарати
- Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларга хизмат кўрсатувчи цех
- Гилдирак-ролик цехи
- Электроцех
- Аккумулятор цехи
- Сув таъминоти ва иситиш тизимини таъмирлаш цехи
- Ички ускуналарни таъмирлаш цехи
- Кузов цехи
- Бўяш цехи
- Механика цехи
- Ёрдамчи-тайёрлаш цехи
- Ёғочни қайта ишлаш цехи
- Бош механик бўлими – транспорт-кўтариш воситалари ускуналари бўйича цех
- Бош энергетик бўлими
- Ишлаб чиқариш бўлими
- Қўриқлаш бўйича цех
- Янги тележкаларни ишлаб чиқариш цехи
- Вагон қурилиш бўйича цех
- Экспериментал-инструментал цех
- Вагонларни комплекс йиғиш бўйича цех



- Уйда ишловчи ходимлар цехи
- Янги вагонларга деталларни ишлаб чиқариш ва йиғиш бўйича электроцех

### Меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Режа 2022йил	Кутилаётган 2022йил	Режа 2023йил
1	Ходимлар сони	киши	850	710	770
2	Иш ҳақи фонди	млн.сўм	43 800	42 000	46 800
3	Ўртача ойлик иш ҳақи	сўм	4 294 118	4 929 577	5 064 935

Завод ходимларини ижтимоий муҳофазаси кенг қамровли чора тадбирларни амалга оширишни, жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантириш хусусидаги мукофотлар ва рағбатлантирувчи тўловларни қўллашни ўз ичига олади. Заводда меҳнатга ҳақ тулашнинг муддатли ва кесимли шакллари қўлланилади. Завод бўйича ишлаб чиқилган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Низомлар иш ҳақи тўлови тизимини такомиллаштириш, профессионал-малакалари турли хил гуруҳ ишчиларига бажарилаётган меҳнатнинг мураккаблиги, маъсулияти ва малакасига кўра иш ҳаққи белгиланган. «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ фаолияти натижасида олинаётган даромаддан келиб чиққан ҳолда ойлик иш ҳақига сарфланадиган маблағ миқдорини мустақил белгилайди.

2022 йил меҳнатга ҳақ тўлаш учун 42000 млн.сўм ажратилмоқда (ҳар бир ишчига ўртача ойлик иш ҳақи 4 929 577 сўмни ташкил этади). 2023 йилда эса иш ҳақига 46 800 млн.сўм йўналтириш, бир ходимга ўртача ойлик иш ҳақи 5 064 935 сўмга етказиш режалаштирилган.

#### *1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи*

Ўрта Осиёда ягона бўлган «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ барча маҳсулотлари юқори малакали мутахассислар томонидан ишлаб чиқарилади ва замонавий стандарт сифатларига жавоб беради. «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ йўловчи вагонларини экспорт қилиш бўйича ҳамкорлар географиясини кенгайтириш юзасидан мунтазам равишда иш олиб бормоқда. Жаҳон бозорига кириш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ хомийлиги остида 2017 йилдан буён «**Made in Uzbekistan**» белгиси остида маҳаллий маҳсулот экспорти йўлга қуйилди. «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ МДХ давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

#### *1.7. Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

Маҳсулот ва хизматлар сифатини истеъмолчилар талабига жавоб берадиган даражада ушлаб туриш мақсадида жамият раҳбарияти тарафидан ISO 9001:2015 халқаро стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга келиб «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ да сифат менежменти тизими юқорида кўрсатилган стандарт талабларига мувофиқ жорий қилинган ва ишламоқда.

Чиқарилаётган маҳсулотнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини янада ошириш, техникавий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларни халқаро тан олиншини тامينлаш, шунингдек, замонавий

менежмент тизимларини жорий қилишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тарафидан 2015 йил 19-октябрдаги 298-сонли «2020 йилгача бўлган даврда сифатнинг миллий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида Қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарорни ижроси бўйича халқаро ISO 9001:2015 стандартига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий қилинган ҳамда миллий ва халқаро сертификатлар олинган.

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

Бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялашда корхонанинг молиявий фаолияти алоҳида ўрин тутаяди. Шу боис, унинг фаолияти самарадорлигини таъминлашга кўмаклашиш, корхоналарнинг мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш, ҳамда шарт-шароит яратиш давр талаби ҳисобланади.

Корхона фаолияти самарадорлигини таъминлашда корпоратив стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш истиқболли молиявий режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда корхоналар миқёсида молиявий стратегияни шакллантириш учун, аввало, молия стратегиясининг моҳияти, принципларини ташкил этиш босқичлари ва бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни ўрганиб чиқишни зарурат қилиб қўяди.

2023 йилда ўрнатилган вазифаларни бажариш мақсадида:

- моддий ресурслар билан таъминлаш;
- шартнома тузиш бўйича ишларни такомиллаштириш;
- прогноз параметрлари бажарилишига ва узокмуддатли ривожланиш стратегиясига эришиш;
- ташқи бозор учун ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш;
- барча фаолият турларидан олинган фойдадан самарали фойдаланиш;
- активлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳаражатларни камайтириш;
- бошқарув тизимини такомиллаштириш.

2023 йилда Бизнес-режага асосан амалга оширилиши лозим бўлган иш ва хизматлар дастури корхона бўлинмалари ва бўлимлари томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

2023 йил дастур бўйича жами 300 та йўловчи вагон таъмирдан ўтказиш, улардан режали таъмирдан 295 та вагон, капитал-тиклов таъмиридан КВР 5 та йўловчи вагон ва 30 та янги йўловчи вагон қуриш (улардан экспортга 5 та вагон) режалаштирилган.

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

Корхона буюртмачилари сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва ўз балансларида йўловчи вагонлари мавжуд бўлган турли мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналар.

Заводнинг асосий буюртмачилари қуйидагилардир:

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**

**2. “Ўзтемирйўлийўловчи” АЖ**

- Йўл хўжалиги бошқармаси,
- Локомотивлар эксплуатацияси бошқармаси,
- Харбийлаштирилган қўриқлаш хизмати,
- Электротаъминот маркази,
- Алоқа ва сигнализация маркази,
- Регионал темир йўл узеллари (Тошкент, Қўқон, Қарши, Термиз, Қўнғирот),

### 3. Ўзбекистон Республикаси турли хил мулкчилик шаклидаги корхоналари

- Навоий тоғ-металлургия комбинати
- “Тошкент метрополитени” ДУК

### 4. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) субъектлари

- Россия федерацияси компаниялари,
- Қозоғистон Республикаси компаниялари.

Барча асосий буюртмачилар билан узоқ муддатли шартномалар тузиш, ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатиш ва мустахкамлаш режалаштирилган.

Замонавий шароитда аксарият давлат корхоналарнинг бошқа мулкчилик шаклига айлантирилганда фаолият координацияси, маблағлар аккумуляцияси, ягона техник сиёсат юритиш, ресурс сақловчи ва экологик чора-тадбирларни ишлаб чиқариш ва амалиётга киритиш зарурияти муҳим шартлардан бири бўлиб қолмоқда.

Корхонани акциядорлик жамиятига ўзгартирилиши ташқи инвестроларни жалб қилиш, айланма маблағларни тўлдириш, ва мавжуд ускуналарни модернизация қилиш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорт соҳасида кўп йиллик тажрибага ва малакали мутахассислар ердамига таянган ҳолда корхона белгиланган вазибаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Бошқарув аппаратида таҳлил, натижаларни прогнозлаш ва жорий режалаштириш, ташқи инвестицияларни топиш, корхонани инвестициялар жалб қилувчи кўриниш масалаларини хал қила оладиган малакали мутахассислар мавжуд. Зарурият туғилганда корхона стратегик режалаштириш, молия ресурсларини консолидация схемаси ва проектлар молиялаштириш манбаларини ишлаб чиқариш борасида тажрибага эга бўлган консультантлар жалб қилиш имкониятига эга.

Корхона раҳбарияти катта тажрибага эга бўлиб корхонани ривожлантириш ҳамда бозор талабларига мос равишда ривожланиш режаси ва аниқ бозор стратегиясига эга.

Шунинг билан бир қаторда корхонани келгуси ривожлантириш йўлида мавжуд ишлаб чиқариш потенциали, персонал тажрибалари, малакали кадрларни сақлаб қолиш бўйича корхона раҳбарияти доимий назорат олиб боради.

- Келгуси даврда молиялаштириш манбаи бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:
- Буюртма қилинган иш ва хизмат учун аванс тўловлар;
- Йўловчи вагонларни таъмирлаш ва қуришдан кўрилган фойда;
- Йўловчи вагонларга техник хизмат кўрсатишдан олинган фойда;
- Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромад.

Имкониятларни юзага чиқариш мақсадида завод доимий равишда Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро ярмаркалар, презентацияларда иштирок этиб келмоқда. Интернет тармоқларида келгусида завод ривожланишини еритиб берувчи махсус сайт мавжуд. Завод фаолияти ва имкониятлар ҳақида реклама махсулотлари: буклетлар, проспектлар, девор календарлари, болкнотлар, пакетлар, папкалар ва бошқаларни ишлаб чиқариб тарқатилмоқда.

Ишлаб чиқариладиган махсулотларга нарх (тариф)ни шакллантиришда билвосита моддий харажатларни, меҳнатга ҳақ тўлашга билвосита харажатларни, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатларни, давр харажатларини ва молиявий фаолият бўйича харажатларни тақсимлаш товарнинг солиштирма меҳнат сифими (товарнинг муайян турига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқарувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари) бўйича амалга оширилади. Бунда аниқ бир товарни ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб, харажатларни тақсимлаш учун хўжалик юритувчи субъект, нархларни тартибга солувчи орган билан келишган ҳолда, бухгалтерия ҳисобига оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мезонлардан фойдаланган ҳолда белгиланади.

Акционерлик жамиятининг ривожланиш стратегиясига эришиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Шу тариқа йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан учрашувлар ташкил этилиб, музокаралар олиб борилди, натижада товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича қатор келишувларга эришилди. Экспорт хажмини ошириш мақсадида Россия Федератив Республикаси, Козоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларига йўловчи вагонларини таъмирлаш хизматлари ва йўловчи вагонларини куриб сотиш йўлга қўйилди.

Янги маҳаллий ишлаб чиқарилган йўловчи вагонлар нархи 800-850 минг АҚШ доллар атрофида бўлиб, жахон бозорида худди шу йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш 1,4 – 1,8 млн АҚШ долларга баҳоланади.

Экспорт хажмини ошириш мақсадида Козоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларининг йўловчи вагонларини таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди.

#### IV. SWOT-таҳлили

Афзал жиҳатлари	Заиф жиҳатлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Резерв қувватларининг мавжудлиги;</li> <li>• юқори тезликдаги йўналишларни ривожлантириш имконияти;</li> <li>• худуднинг ривожланиш устуворлиги мавжудлиги;</li> <li>• ишчи ва хизматчиларни юқори даражадаги хавфсизликни таъминланиши;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инфратузилмани ривожлантириш пастлиги;</li> <li>• иншоотлар ва техник жиҳозларнинг етишмаслиги;</li> <li>• кадрларни инновацион иқтисодиётнинг талабларига мувофиқ тайёрланмаслиги;</li> <li>• транспорт-логистика марказлари тизимининг етарли даража ривожланмаганлиги;</li> <li>• айрим тоифадаги ишчиларнинг нисбатан паст иш хақи олиши;</li> <li>• хизмат муддати ўтган техник жиҳозларнинг мавжудлиги, уларни таъмирлаш ҳаражатларининг юқорилиги;</li> <li>• корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси барча турдаги: капитал, техника ва технологик, интеллектуал ва кадрлар, ахборот, корхонага ташқи муҳит ўзгаришларига адекват муносабатда бўлиши;</li> <li>• юридик ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги;</li> <li>• техник ва технологик, маркетинг, молиявий, кадрлар бошқарувда ресурслардан самарали фойдаланмаслик;</li> </ul>
Таҳдидлар	Имкониятлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>• халқаро алоқаларнинг муносиб тарзда йўлга қўйилмаганлиги;</li> <li>• янгилаш суръатларининг пастлиги ва инвестицион фаолликнинг пасайиши туфайли моддий-техник базанинг юқори жисмоний ва маънавий эскириши;</li> <li>• технологик тузилманинг замонавий элементлари ва биринчи навбатда, замонавий ахборот технологиялари етарли даражада жорий этилмаганлиги сабабли бошқариш самарадорлигининг пасайиши.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• IT-технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш;</li> <li>• Хизматларнинг кенгайтириш ишлаб чиқарувчиларни халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини оширади;</li> <li>• ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш;</li> <li>• корхоналар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва транспорт ҳаражатларини минималлаштириш учун "эшиқдан-эшиқкача" схемаси бўйича товарларни етказиб беришни таъминлашни йўлга қўйиш;</li> <li>• сифат менежменти тизимига ISO 9000: 2015 халқаро стандартлар киритилишига тўлиқ эришиш;</li> <li>• хорижий инвестицияларни жалб этиш;</li> <li>• ҳам ички рақобатда, ҳам ташқи рақобатда ривожланиш.</li> </ul>

## V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» АЖ ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш биносида ўрнатилган дасгоҳлар ва асбоб ускуналар, юк кўтариш кранларининг иш куни давомида ишлаши учун электр энергия таъминоти тўлиқ таъминланган. Электр сарфи қуввати кВт/соат бўлиб ҳисоблагичлар асосида назорат олиб борилади.

Корхонада табиий газ ишлаб чиқариш ва мамурий биноларини иситиш тизими, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади. Газ сарф қуввати м<sup>3</sup> бўлиб ҳисоблагичлар асосида назорат олиб борилади.

Корхонада ичимлик суви ишчиларнинг эҳтиёжи учун фойдаланилади ва ҳисоблагичлар асосида назорат олиб борилади. Ҳамда хизмат биноларини тозалаш учун ва корхона худудини ободонлаштириш ва сугориш мақсадида ер ости артизан сувидан фойдаланилади.

Энергия ресурсларини сарфини тежаш мақсадида 2018 йил ноябрь ойида энергоаудит текшируви ўтказилган. Текширув натижаларига кўра куйидари тавиялар асосида ишлар олиб борилган:

1. Энергияменежмент бўйича мутахасисларни малакасини ошириш;
2. Юқори қувватли жихозларни тежамкор қувватли жихоз ва ускуналарга алмаштириш;
3. Асосий ва қушимча ускуналарни доимий назорат қилиш;
4. Доимо газ тақсимлаш шахобчаларини профилактик назоратни олиб бориш;
5. Ишлаб чиқаришга ер ости артизан сувларини тадбиқ этиш.

## VI. Кўрсаткичлар

### *Ишлаб чиқариш ва молиявий режаси*

Йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлашда сарфланадиган маҳсулотларни сотиб олишда импорт ва маҳаллий етказиб берувчилар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ҳамда эҳтиёт қисмларнинг маълум бир қисми завод томонидан ишлаб чиқариш йўлга қуйилган. Йўловчи вагон курилиши ва таъмирланиши учун сарфланадиган эҳтиёт қисмларни сотиб олишда технологик ва хавфсизлик талабларига жавоб бериши таъминланади.

2022 йилда тергов қилинаётган ва судланган шахсларни ташиш учун махсус вагон ишлаб чиқарилиб хизматга топшириш кутилмоқда. Шунингдек йил якунлари бўйича 12 та метро вагони ва 291 та йўловчи вагонларини таъмирлаш ҳажми кутилмоқда, шундан 283 таси режалаштирилган таъмирлаш турлари, 8 таси капитал-тиклаш таъмирлаш билан таъминланади. Шунингдек, 23 та янги йўловчи вагон (шу жумладан, 11 та вагон экспорт қилиш учун) курилади.

2023 йил дастур бўйича жами 300 та йўловчи вагон таъмирдан ўтказиш, улардан режали таъмирдан 295 та вагон, капитал-тиклов таъмиридан КВР 5 та йўловчи вагон ва 30 та янги йўловчи вагон куриш (улардан экспортга 5 та вагон) режалаштирилган.

## Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)</b>			
1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор)		Акциядорлар:
			§ Йирик акциядорлар - 90% (5084143 дона акция)
			§ Юридик шахслар - 90% (5084370 дона акция)
			§ Жисмоний шахслар - 10% (564677 дона акция)
<b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>			
2.	Хасилов Хуснутдин Нуриддинович	Акциядор вакили (2022 йилдан)	0,0004% (27 дона акция)
3.	Аллаяров Темур Баходирович	Акциядор вакили (2022 йилдан)	-
4.	Одилов Фаррух Баходирович	Акциядор вакили (2019 йилдан)	-
5.	Нарзуллоев Қодир Қиличевич	Акциядор вакили (2022 йилдан)	-
6.	Молайханова Гюльнара Ансаровна	Акциядор вакили (2022 йилдан)	-
7.	Шарифбаев Ахаджон Олимович	Акциядор вакили (2022 йилдан)	0,0002% (13 дона акция)
8.	Абдурахмонов Камолиддин Ботирович	Акциядор вакили (2022 йилдан)	-
9.	Аскарлов Музаффар Турсунбоевич	Акциядор вакили (2021 йилдан)	-
10.	Исоқов Азизжон Зиннатуллаевич	Акциядор вакили (2022 йилдан)	-
<b>III. Ижроия органи</b>			
11.	Дадаходжаев Дильшод Фаррухович	Бошқарув раиси (2015 йилдан)	-
12.	Пулатов Жамолиддин Абдусаттарович	Маркетинг ва таъминот бўйича директор (2019 йилдан)	-
13.	Тураев Озод Ахмедович	Истикболли ривожланиш бўйича директор (2017 йилдан)	0,0003% (20 дона акция)-
14.	Нигманов Дилмурод Усмонович	Маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масаласи бўйича корхона раҳбарининг биринчи ўринбосари (2022 йилдан)	0,0002% (14 дона акция)
15.	Каршиев Азиз Келдиярович	Ишлаб чиқариш бўйича директор (2022 йилдан)	0,001% (70 дона акция)

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув раиси**  
**Хасилов Хуснутдин Нуриддиновичга**

**бириктирилган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг 2023 йил учун**  
**фаолият самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини**  
**баҳолашнинг асосий мезонлари**  
**(КРІ кўрсаткичлари)**

T/p	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги	2023 йил режа	I - чорак	II - чорак	III - чорак	IV - чорак
<b>I. «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ</b>							
<b>Бошқарув раиси <u>Дадаходжаев Дилшод Фаррухович</u></b>							
1.	Жамият томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш	Млрд. сўм	254,8	36,1	56,9	85,5	76,3
2.	Йўловчи вагонларини режали ва капитал тиклов таъмирдан ўтказиш	вагон	310	62	76	81	91
3.	Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмини бажарилиши	та	14	14	14	14	14
4.	Корхонанинг истиқболли ривожлантириш режасини ишлаб чиқариш, модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни атроф-муҳитга бўлган зарарли таъсирини олдини олиш бўйича чора – тадбирлар ўтказиш, табиий ресурсларидан унимли фойдаланиш, иш шaroитининг хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантириш	та	4	1	1	1	1
5.	Маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кооперация портали орқали тузилган шартномалар асосида сотиб олишини назорат қилиш	Млн. сўм	123 114,8	391,6	24 840,1	36 802,9	61 080,2
6.	Электрон кооперация портали орқали жамият таркибидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тузилган шартномалари ва уларнинг ижроси юзасидан жамият раҳбариятига ҳисобот бериш (хар ой якунига кўра)	та	1	1	1	1	1
7.	Йўловчи вагонлари ишлаб чиқариб экспорт ҳажмини ошириш	Минг долл.	3 000,0		1 000,0	1 000,0	1 000,0
8.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган топшириқларни ўз вақтида бажариш	та	4	1	1	1	1
9.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш	дона	8	2	2	2	2
<p align="center"><b>Фаолият кўрсаткичлари ижроси ___ фоиз</b>  <i>(аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз)</i></p>							

**Маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда  
ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари  
Нигманов Дилмурод Усмонович**

1.	Жамият томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш	Млрд. сўм	254,8	36,1	56,9	85,5	76,3
2.	Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмини бажарилиши	та	14	14	14	14	14
3.	Маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кооперация портали орқали тузилган шартномалар асосида сотиб олишини таъминлаш	Млн. сўм	123 114,8	391,6	24 840,1	36 802,9	61 080,2
4.	Электрон кооперация портали орқали жамият таркибидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тузилган шартномалари ва уларнинг ижроси юзасидан жамият раҳбариятига ҳисобот бериш (хар ой якунига кўра)	та	1	1	1	1	1
5.	Йўловчи вагонлари ишлаб чиқариб экспорт ҳажмини ошириш	Минг долл.	3 000,0		1 000,0	1 000,0	1 000,0
6.	Жамият фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва муаммолари юзасидан жамият раҳбариятига ҳисобот бериш	та	4	1	1	1	1
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган топшириқларни ўз вақтида бажариш	та	4	1	1	1	1
8.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш	дона	8	2	2	2	2

**Фаолият кўрсаткичлари ижроси \_\_\_ фоиз**  
(аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз)

**Маркетинг ва таъминот бўйича директор  
Пулатов Жамолiddин Абдусаттарович**

1.	Жамият томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш	Млрд. сўм	254,8	36,1	56,9	85,5	76,3
2.	Маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кооперация портали орқали тузилган шартномалар асосида сотиб олишини таъминлаш	Млн. сўм	123 114,8	391,6	24 840,1	36 802,9	61 080,2
3.	Электрон кооперация портали орқали жамият таркибидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тузилган шартномалари ва уларнинг ижроси юзасидан жамият раҳбариятига ҳисобот бериш (хар ой якунига кўра)	та	1	1	1	1	1



4.	Йўловчи вагонлари ишлаб чиқариб экспорт хажмини ошириш	Минг долл.	3 000,0		1 000,0	1 000,0	1 000,0
5.	Жамият фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва муаммолари юзасидан жамият раҳбариятига ҳисобот бериш	та	4	1	1	1	1
6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Хукумати ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган топшириқларни ўз вақтида бажариш	та	4	1	1	1	1
7.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш	дона	8	2	2	2	2

**Фаолият кўрсаткичлари ижроси \_\_\_ фоиз**  
(аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз)

**Истикболли ривожланиш бўйича директор**  
**Тураев Озод Аҳмедович**

1.	Жамият томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмларини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш	Млрд. сўм	254,8	36,1	56,9	85,5	76,3
2.	Корхонанинг истикболли ривожлантириш режасини ишлаб чиқариш, модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни атроф-муҳитга бўлган зарарли таъсирини олдини олиш бўйича чора – тадбирлар ўтказиш, табиий ресурсларидан унимли фойдаланиш, иш шароитининг хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантириш	та	4	1	1	1	1
3.	Йўловчи вагонлари ишлаб чиқариб экспорт хажмини ошириш	Минг долл.	3 000,0		1 000,0	1 000,0	1 000,0
4.	Жамият фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва муаммолари юзасидан жамият раҳбариятига ҳисобот бериш	та	4	1	1	1	1
6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Хукумати ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган топшириқларни ўз вақтида бажариш	та	4	1	1	1	1
7.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш	дона	8	2	2	2	2

**Фаолият кўрсаткичлари ижроси \_\_\_ фоиз**  
(аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз)

**Ишлаб чиқариш бўйича директор**  
**Каршиев Азиз Келдиярович**

1.	Жамият томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмларини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш	Млрд. сўм	254,8	36,1	56,9	85,5	76,3
2.	Йўловчи вагонларини режали ва капитал тиклов таъмирдан ўтказиш	вагон	310	62	76	81	91
3.	Йўловчи вагонлари ишлаб чиқариб экспорт хажмини ошириш	Минг долл.	3 000,0		1 000,0	1 000,0	1 000,0

4.	Жамият фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва муаммолари юзасидан жамият раҳбариятига ҳисобот бериш	та	4	1	1	1	1
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган топшириқларни ўз вақтида бажариш	та	4	1	1	1	1
6.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш	дона	8	2	2	2	2
<b>Фаолият кўрсаткичлари ижроси ___ фоиз</b> <i>(аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз)</i>							

**“Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi” AJning 2023 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш РЕЖАСИ**

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Қувватдан фойдаланиш			Режа		Шундан				Ўсмиш/ камайиш, %	
				2021 й.	%	2022 й.	%	2023й.	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак		4-чорак
1	Депо хажмида таъмирлаш (ДР)	вагон	250	161	64,4	192	76,8	192	76,8	38	52	51	51	100,0
2	Капитал таъмирлаш (КР-1)	вагон	100	63	63,0	45	45,0	61	61,0	15	15	15	16	100,0
3	Капитал таъмирлаш (КР-2)	вагон		3		1				0	0	0	0	
4	Техник соғломлаштирувчи (Оздоров.рем.)	вагон	90	62	68,9	45	50,0	42	46,7	9	9	12	12	100,0
5	Капитал тиклов таъмирлаш (КВР)	вагон	10	28	280,0	8	80,0	5	50,0	0	0	3	2	100,0
	<b>Жами таъмирлаш</b>	<b>вагон</b>	<b>450</b>	<b>317</b>	<b>70,4</b>	<b>291</b>	<b>64,7</b>	<b>300</b>	<b>66,7</b>	<b>62</b>	<b>76</b>	<b>81</b>	<b>81</b>	<b>100,0</b>
6	Вагон таъмири	вагон		12		12		10		0	0	0	10	
7	Янги вагонларни қуриш	вагон	50	5	10,0	12	24,0	20	40,0	3	3	9	5	100,0
8	Экспорт	вагон		10		11		5		0	0	2	3	
9	Янги оралик метро вагонларини қуриш	вагон						10					6	
	<b>Жами</b>		<b>500</b>	<b>344</b>	<b>80</b>	<b>326</b>	<b>100</b>	<b>345</b>	<b>100,0</b>	<b>65</b>	<b>79</b>	<b>96</b>	<b>105</b>	<b>100,0</b>

**“Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi” AJning 2023 йил учун ишлаб чиқариш  
РЕЖАСИ\***

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, махсулот номи	Ўлчов бирлиги	2021й.		2022й.		2023й.		Ўсини, %	Жумладан			
			(факт)	(факт)	режа	кутилайётган	(режа)	1-чорак		2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1	Депо хажмида таъмирлаш (ДР)	вагон	161	106	192	192	192	192	100,0	38	52	51	51
2	Капитал таъмирлаш (КР-1)	вагон	63	23	45	45	61	61	135,6	15	15	15	16
3	Капитал таъмирлаш (КР-2)	вагон	3	1	1	1	0	0	0,0	0	0	0	0
4	Техник соғломлаштирувчи (Оздоров.рем.)	вагон	62	54	45	45	42	42	93,3	9	9	12	12
5	Капитал тиклов таъмирлаш (КВР)	вагон	28	8	8	8	5	5	62,5	0	0	3	2
	<b>Жами таъмирлаш</b>	<b>вагон</b>	<b>317</b>	<b>192</b>	<b>291</b>	<b>291</b>	<b>300</b>	<b>300</b>	<b>103,1</b>	<b>62</b>	<b>76</b>	<b>81</b>	<b>81</b>
6	Вагон таъмири	вагон	12	12	8	12	10	10	83,3	0	0	0	10
7	Янги вагонларни қуриш	вагон	5	14	12	12	20	20	166,7	3	3	9	5
8	Экспорт	вагон	10	3	11	11	5	5	45,5	0	0	2	3
9	Янги оралик метро вагонларини қуриш	вагон					10	10		0	0	4	6
	<b>Жами</b>		<b>344</b>	<b>221</b>	<b>322</b>	<b>326</b>	<b>345</b>	<b>345</b>	<b>105,8</b>	<b>65</b>	<b>79</b>	<b>96</b>	<b>105</b>

**“Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi” AJning 2023 йил uchun ishlab chikarish  
РЕЖАСИ**

минг.сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, махсулот номи	2021й.	2022й.	2022й.		Ўсиш, %	Жами турмулдаги улуши	Жумладан					
		(факт)	(факт)	режа	қўтилаётган			2023й. (режа)	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
